# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2022 йил 17 март, № 56 (8118) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# СОЛИҚ ЮКИНИ КАМАЙТИРИШ ВА СОҲАНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 16 март куни Давлат солиқ қўмитасининг Маълумотларни қайта ишлаш марказини бориб кўрди.**



Мамлакатимизда аҳоли ва бизнес учун қулайликларни ошириш, инсон аралашувини камайтириш мақсадида солиқ органлари фаолияти изчил рақамлаштирилмоқда. Хусусан, ушбу марказ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги Фармонига мувофиқ, тўлиқ янгиланди. Давлат бюджетидан ажратилган 100 миллиард сўм эвазига бинолар таъмирланиб, узлуксиз электр таъминоти қурилмалари, прецизион кондиционерлар, катта ҳажмли сервер ва компьютерлар билан жиҳозланди.

Натижада марказ қуввати 8 мартага ошди, электрон хизматлар кўлами кенгайди. Шахсий карточкаларда сальдо қаторларини ҳисоблаш каби мураккаб жараёнлар 10 баробар тезлашди. Масалан, илгари республика бўйича ҳисоблашга 24 соат кетган бўлса, эндиликда бу жараён 2-3 соатда амалга оширилмоқда. Бу "яширин иқтисодиёт"ни қисқартиришда муҳим омил бўлмоқда.

Киберҳужумдан ҳимоя, бизнес-аналитика технологиялари жорий қилинди. "e-ijara", "e-imtiyoz", "Қўшилган қиймат солиғи тўловчилари", "Солиқ текширувлари", "Автоматлаштирилган камерал назорат тизими", "Солиқ узилиши коэффициенти" каби янги дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқилди.

Бу марказни мамлакатимиз солиқ тизимининг "мияси" дейиш мумкин. Бу ерга барча солиқ тўловчиларнинг маълумотлари интеграция қилинган. 50 нафарга яқин малакали мутахассис солиқ айланмасини онлайн режимда кузатиб, масофадан тезкор хизмат кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари марказдаги иш жараёнини кўздан кечирди. Солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича топшириқлар берди.

Шу ерда соҳа мутасаддилари иштирокида соҳани такомиллаштириш бўйича навбатдаги вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз солиқ маъмуриятчилиги тубдан ислоҳ қилинмоқда. 2019 йил декабрда янги таҳрирдаги Солиқ кодекси қабул қилиниб, тўғридан-тўғри қўлланувчи нормалар жорий этилди. Солиқлар сони 13 тадан 9 тага камайтирилди. Мулк солиғи ставкаси 5 фоиздан 1,5 фоизга, қўшилган қиймат солиғи 20 фоиздан 15 фоизга туширилди. Иш ҳақига нисбатан солиқ юки қарийб 2 баравар камайтирилди.

Буларнинг натижасида тадбиркорларнинг ислоҳотларга ишончи ортиб, солиқ тушумлари 4 баравар кўпайди. Қўшилган қиймат солиғи тўловчилар сони 6 мингдан 152 мингтага етди.

Тараққиёт стратегиясида бу борадаги ислоҳотларни давом эттириб, солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш вазифалари белгиланган.

**— Биз инсон қадрини улуғлашни эълон қилдик, халқимизни рози қилишга ҳаракат қиляпмиз. Халқимиз қачон рози бўлади? Солиқ кам бўлиб, даромади ошса, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Хусусан, 2026 йилга бориб иқтисодиётга солиқ юкини 25 фоизгача камайтириш мақсад қилинган. Шунингдек, 2023 йилдан қўшилган қиймат солиғини 12 фоизгача тушириш, кейинчалик ер ва мулк солиқларини бирлаштириш мўлжалланган.

Йиғилиш аввалида мутасаддилар бажарилган ишлар тўғрисида ахборот берди.

Давлатимиз раҳбари солиқ идоралари фаолиятини яхшилаш, бунинг учун ахборот технологияларини кенг жорий этиш зарурлигини таъкидлади.

Бунинг натижасида жараёнлар тўлиқ автоматлаштирилади, "яширин иқтисодиёт" ҳажмини камайтириш учун солиқ тўсиқлари бартараф этилади, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланади.

Давлатимиз раҳбари дунёдаги тез ўзгарувчан, мураккаб вазиятда солиқ тушумлари барқарорлигини таъминлаш, тадбиркорларга кўмак бериш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

**— Мен бу ерга солиқ тўловчиларнинг вакили бўлиб келдим, — деди Президент. — Бизга ҳозир тушум ошиши асосийси эмас. Биринчи навбатда, тизимни тўғри қилиб, билмаганларга ўргатиб, солиқ юкини камайтириб, тадбиркорларнинг эмин-эркин, ҳалол ишлашини йўлга қўйишимиз керак. Солиқчилар жазоловчи эмас, кўмакчи бўлиши керак.**

Айтиб ўтилганидек, айрим ҳолларда тадбиркорлар янги дастур ва талабларни тушунмагани сабабли кўплаб саволлар ҳам пайдо бўлмоқда. Шунинг учун "Солиқчи — кўмакчи" тамойили асосида уларга янгича ишлашни ўргатиш, электрон хизматлар қамровини ошириш зарурлиги таъкидланди. Солиқ қўмитасига барча ҳудудларда тадбиркорлар билан мулоқотлар ўтказиш, оммавий ахборот воситалари орқали халққа ҳисобот бериб бориш вазифаси қўйилди.

Солиқ тизими давлат корхоналарини трансформация қилишда фаол иштирок этиши, уларга таннархни пасайтириш ва молиявий барқарорлик бўйича йўл-йўриқ кўрсатиши кераклиги айтилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 ноябрдаги қарорига мувофиқ, Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида Фискал институт ташкил этилган эди. Давлатимиз раҳбари у ерда кадрлар тайёрлаш сифатига эътибор қаратди. Солиқ идоралари ходимларини тизимда жорий қилинаётган янги IT-дастурлар бўйича ўқитиш, шунингдек, хорижда мутахассислар малакасини ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Солиқ идораларини коррупциядан холи тизимга айлантириш бўйича топшириқлар берилди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ БЎЛИБ ЎТДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 март куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Давлат раҳбарлари икки томонлама муносабатлар кун тартиби ва Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар.

Жаҳон иқтисодиётидаги инқирозли ҳодисаларнинг салбий оқибатларини камайтириш мақсадида яқиндан ҳамкорликни давом эттириш ва саъй-ҳаракатларни самарали мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Икки томонлама савдо ҳажмининг ўсиш суръатини таъминлаш, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва тўқимачилик тармоқлари, транспорт ва логистика соҳаларида йирик кооперация лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш учун қулай шароитлар яратиш, шунингдек, маданий-гуманитар алмашинув дастури доирасидаги қўшма тадбирларни фаол ўтказиш муҳимлиги қайд этилди.

Мулоқот якунида давлат раҳбарлари яқинлашиб келаётган баҳорий айём — Наврўз муносабати билан бир-бирини чин дилдан қутлаб, биродар халқларимизга тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тиладилар.

Суҳбат ҳар доимгидек очиқ ва дўстона руҳда ўтди.

**ЎзА.**

Ҳамкорлик

# ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОҲОТЛАРИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚ ВА ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШНИ НАЗАРДА ТУТАДИ

*Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йорк шаҳрида жойлашган қароргоҳида шу йилнинг 14 — 25 март кунларига мўлжалланган БМТ Хотин-қизлар ҳолати бўйича комиссиясининг 66-сессияси бўлиб ўтмоқда. Мазкур нуфузли тадбирда БМТга аъзо 180 дан зиёд давлатлар вакиллари анъанавий ва онлайн шаклда қатнашмоқда.*

Анжуман доирасида иқлим ўзгариши, атроф-муҳит ва талафотлар хавфини камайтиришга қаратилган сиёсий чоралар ва дастурларни илгари суришда хотин-қизлар имкониятларини кенгайтириш масалалари атрофлича кўриб чиқилаётир.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева видеомурожаати билан иштирок этди.

Жумладан, Сенат Раиси Ўзбекистон конструктив мулоқот учун муҳим ҳукуматлараро форум ва БМТ доирасида гендер масалалар бўйича асосий мувофиқлаштирувчи орган бўлган ушбу комиссия фаолиятини тўла қўллаб-қувватлашини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришни назарда тутиши, бу давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири экани, гендер масалаларида эришилаётган ютуқ ва натижалар қайд этиб ўтилди. Хусусан, шу йилнинг январь ойида қабул қилинган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида хотин-қизлар масаласи, айниқса, келгусида ҳам уларнинг жамият ҳаётида фаоллигини ошириш ва қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган бўлиб, бу борадаги саъй-ҳаракатлар аллақачон бошлаб юборилди.

Шуларга мос равишда мамлакатдаги ислоҳотлар жараёнида аёлларнинг иштироки ва ролини янада ошириш учун 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган миллий дастур тасдиқланган. Энг муҳими, унда кўзда тутилган вазифалар 2022 — 2025 йилларга мўлжалланган "БМТ-аёллар" стратегик режаларида назарда тутилган мақсадларга тўлиқ мос келиши билан диққатга сазовордир.

Ўз навбатида, сессияда экологик ўзгаришларга ҳам эътибор қаратилди. Ушбу муаммоларни ҳал этишда Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ва янги ташаббуслар анжуман иштирокчиларига етказилди.

Шу жумладан, қайта тикланувчи энергиялардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш, "яшил иқтисодиёт"га ўтиш, Оролбўйи минтақасини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, уларни амалиётга жорий этишда хотин-қизлар ролини ошириш ҳамда аёл тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасидаги кенг кўламли ишларга урғу берилди.

Сессияда кўрилаётган масалалар юзасидан бошқа яна қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

**«Халқ сўзи».**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ

*Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борди.*

Фуқаролар йиғинлари раисларининг ваколат муддати тугаши муносабати билан Сенат Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 105-моддаси ҳамда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида"ги қонунларнинг тегишли моддаларига мувофиқ, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари)нинг навбатдаги сайловини шу йилнинг май ойида ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мазкур қарор асосида Сенат Раиси бошчилигида Фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи республика комиссияси тузилди. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари)нинг сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тадбирлар режаси ҳамда сайлов бюллетени намунаси тасдиқланди.

➔ 2

Нуқтаи назар

# ХАЛҚИМИЗ ТИББИЙ ХИЗМАТДАН РОЗИ БЎЛЯПТИМИ?

*Ҳар қандай соҳадаги ислоҳотларнинг ҳақиқий натижаси қоғозлардаги маълумотлардан кўра, одамларнинг кундалик ҳаётида, юз-кўзида аниқроқ кўринади. Соғлиқни сақлаш йўналишидаги янгиланиш ва ўзгаришлар шундай ислоҳотлардан ҳисобланади.*

Сўнгги йилларда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳасида, жумладан, тиббиёт тизимида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими, соҳадаги ўзгаришлар халқимиз томонидан эътироф этилиб, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилишни таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Бу эса юртимизда инсон қадри, унинг ҳаёти, соғлиғига катта эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

➔ 2

# СЕНАТНИНГ XXIV ЯЛПИ МАЖЛИСИДА

**бир қатор қонунлар, шунингдек, қуйидаги масалалар кўриб чиқилиши режалаштирилган:**

- Қашқадарё вилоятининг Чироқчи тумани чегараларини ўзгартириш ва Кўкдала туманини ташкил этиш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларини тасдиқлаш;
- Олий Мажлис Сенати Кенгаши қарорларини тасдиқлаш.

**Эшитилади:**

- Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2021 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи;
- Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги 2021 йил якунлари бўйича ахбороти;
- Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар, Ташқи ишлар вазирлигининг 2021 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти;
- Олий Мажлис Сенати Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг 2020-2021 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи.

**Парламент сўрови натижалари муҳокама қилинади:**

Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги соҳасини ривожлантириш учун кўрилаётган чоралар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови.




## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлиси 2022 йил 17 март куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис 17 ва 19 март кунлари видеоконференцалоқа шаклида ўтказилиши режалаштирилган.

Ялпи мажлис «O‘zbekiston» ва «Uzreport» телеканаллари, шунингдек, Сенатнинг www.senat.uz расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.**

# ХАЛҚИМИЗ ТИББИЙ ХИЗМАТДАН РОЗИ БЎЛЯПТИМИ?

1 Сайлов округларидаги ўрганиш ва учрашувларда тиббиёт тизимидаги ўзгаришлар ҳақида юртдошларимиз ижобий фикр билдирмоқда. Тез ёрдам хизматини соатлаб кутиш, шифохоналарда, ҳатто оддий дори-дармонларнинг бўлмаслиги, айрим жарроҳлик операцияларини катта маблағ, ортиқча оворагарчиликлар эвазига хорижда ўтказиб келиш ўтмишга айланмоқда.

Мисол учун, илгари юртимизда буйрак ва жигар трансплантацияси амалиётлари ўтказилмас эди. Бугунга келиб эса Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази трансплантология бўлимида буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди. Бугунгача ўтказилган буйрак трансплантацияси амалиётлари сони 500 тадан ошган бўлиб, келгусида ушбу мураккаб жарроҳлик амалиёти кўламини янада ошириш режалаштирилган.

Бундан ташқари, Марказий Осиёда биринчи бўлиб, бош миянинг қон томир нуқсонларини диагностика қилиш ва жарроҳлик йўли билан даволашнинг энг замонавий юқори технологик усуллари ҳамда юқори технологик кўп томирли аорта-коронар шунтлаш операцияси йўлга қўйилиб, уларнинг 88,6 фоизи ишлаб турган юракда бажарилди. Бу ҳам юртимиз тиббиётида сўнгги йилларда эришилган муҳим ютуқлардан ҳисобланади.

Жорий йилда эса онкогематология, эндокринология, буйрак ва жигар кўчириш каби дастурларни амалга ошириш учун 1 триллион сўм йўналтириш кўзда тутилган. Очиғини айтиш керак, мамлакатимиз тиббиёти тарихида шу пайтгача ушбу мақсадлар учун бу қадар катта маблағ ажратиш у ёқда турсин, уларни амалга ошириш, ҳатто кун тартибида кўрилмаган эди.

Буларнинг барчасига мамлакатимизда тиббиётни ривожлантириш, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш масалаларига давлат сиёсати даражасида қаралаётгани туфайли эришилмоқда. Соҳани янада ривожлантириш, тиббий хизматлар кўлами ва сифатини ошириш мақсадида кўплаб Фармон ва қарорлар қабул қилингани ҳам халқ манфаатлари, саломатлиги биринчи галдаги вазифага айланганининг исботидир.

### Тизим фаолиятининг таянчи

Тизимда бошланган мутлақо янги ислоҳотлар давомийлигини таҳлил этадиган бўлсак, бунда энг аввало, бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг сифати, самарадорлигини оширишга эътибор қаратилаётганини кўрамиз. Чунки соҳадаги энг оғриқли ҳолат ушбу бўғинда кузатиларди. Мисол учун, ўтган йилларда юртимиздаги ўлим ҳолатларининг 60 фоизи ана шу бўғиндаги камчиликлар, масалан, юрак-қон томир касалликларига ўз вақтида тўғри ташхис қўя олмаслик, онкология йўналишидаги беморларнинг ярмида хасталик иккинчи ва учинчи босқичга ўтиб бўлганидан кейин аниқланиш ҳолатлари туфайли юз бераётган эди.

Шу боис тиббиётнинг ушбу тизимини жиддий ислоҳ қилишга киришилди. Давлатимиз раҳбарининг бир қатор Фармон ва қарорларида, хусусан, 2020 йил 12 ноябрдаги "Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш муҳим аҳамият касб этди.

Натижада ҳувиллаб ётган қишлоқ врачлик пунктлари оилавий шифокор пунктига, қишлоқ ва шаҳар оилавий поликлиникаси эса оилавий поликлиникаларга айлантирилди. Оилавий шифокорга ёрдам берадиган терапия, педиатрия, акушерлик, патронаж бўйича ўрта тиббиёт ходимларидан иборат бўлган "тиббиёт бригадалари" ташкил қилинди. Мазкур муассасаларнинг барчаси зарур жиҳозлар, компьютер техникалари билан таъминланди.

Муҳим янгиликлардан бири — мустақил равишда тиббиёт муассасасига кела олмайдиган беморлар доимий кузатувга олиниб, уларнинг уйига борган ҳолда тиббий хизмат кўрсатиш ва индивидуал патронаж амалга оширилмоқда. Олис ва чекка ҳудудларда оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалар шифокорлари учун "Қишлоқ шифокори" дастури жорий қилинди.

Қайд этиш керак, бугунги кунда юртимиздаги 243 та маҳалла фуқаролар йиғини олис ва чекка ҳудуд сифатида белгиланган бўлиб, ушбу ҳудудларда жами 84 та оилавий шифокорлик пункти, 35 та оилавий поликлиника халқ хизматида, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш борасида фаолият кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, тез ёрдам бригадалари дислокацияси қайта кўриб чиқилиб, аҳоли яшаш пунктларига яқинлаштирилди. Хусусан, тугатилган 441 та қишлоқ врачлик пункти ўрнида тез тиббий ёрдам шохобчалари ташкил қилиниб, уларга биттадан бригада бириктирилди. Шунингдек, 793 та қишлоқ оилавий пункти ва Тошкент шаҳрининг 63 та поликлиникаси қошида ҳам худди шундай шохобчалар очилди. Натижада тез тиббий ёрдам бригадаларининг хизмат кўрсатиш ҳудуди радиуси ўртача 15 — 20 км.дан 8 — 12 км.гача қисқарди. Бу билан беморларга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, ҳаётини сақлаб қолиш имконияти ошди.

### Тиббиётни замонавий техникаларсиз тасаввур этиб бўлмайди

Тан олиш керак, бир пайтлар тиббиётга эҳтиёжга нисбатан анча кам маблағ ажратилиши оқибатида ҳатто биринчи ёрдам учун ҳам дори-дармонлар етишмасди. Йиллар давомида тиббий жиҳозлар, асбоблар алмаштирилмасди. Беморни тузукроқ шифохонада ётқизиш, даволаниш харажатлари юқорилиги, камига тизимдаги тамагирлик ҳолатларидан одамлар безиб қолганди.

Албатта, бу каби муаммоларнинг илдизи маблағга бориб тақалади. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан соҳани молиялаштириш ва зарур моддий-техника билан таъминлаш масалаларига мутлақо янгича ёндашув йўлга қўйилди.

Хусусан, ўтган йили соҳага бюджетдан 21 триллион сўм, яъни 2017 йилдагига нисбатан уч баравар кўп маблағ ажратилди. Бундан ташқари, давлат туман (шаҳар) ва вилоят тиббиёт муассасалари учун замонавий тиббий ускуналар харид қилиш ҳамда улардаги мутахассисларнинг етакчи хорижий тиббий муассасаларида малакасини ошириш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан 2021-2022 йилларда 100 миллион АҚШ доллари ажратиш режалаштирилган.

Шу билан бирга, аҳолини сифатли ва арзон дори-дармон воситалари билан таъминлаш, мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган дори-дармон ва тиббиёт воситаларини миқдорини 80 фоизга етказиш, замонавий фармацевтика кластерлари ҳамда зоналарини ташкил этиш ва мавжудларини янада ривожлантириш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилда тиббиётнинг бирламчи бўғинини ривожлантириш ҳамда ҳудудларда юқори технологик тиббий хизматларни жорий этишга 8 триллион сўм ажратилиши режалаштирилган.

### Шифокорларга эътибор ва ғамхўрлик

Пандемия тўлқини авж олган, келиб чиқиши номаълум бўлган касаллик ҳар куни минглаб одамларни ҳаётдан олиб кетаётган бир вақтда саломатлик посбонлари ҳаётини хавфга қўйиб, кунни тунга улаб, одамлар ҳаётини сақлаб қолиш, соғайиб кетиши учун тиним билмай курашди.

Бу касб соҳиблари, албатта, эътирофга, ҳурматга, муносиб иш шароитида меҳнат қилишга ҳақли ва сўнгги йилларда шундай бўляпти ҳам. Ўрни келганда, ушбу масала шахсан давлатимиз раҳбарининг эътиборида турганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, 2019 йилдан буён тиббиёт тизими ходимларидан 632 нафари давлатимизнинг юксак унвон, орден ва медаллари билан тақдирланди. Бундан ташқари, соҳа ходимларининг иш ва турмуш шароитини яхшилаш, замонавий уй-жойлар билан таъминлаш, моддий манфаатдорлигини ошириш борасида ҳам тизимли ишлар давом эттирилмоқда.

Президентимизнинг "Халқимиз саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш биз учун бундан буён ҳам бош вазифа бўлиб қолади. Келгусида соҳага йўналтириладиган маблағларни 2 баробар ошириш, жумладан, яқин беш йилда олий тоифали шифокорлар маошини эквивалент ҳисобида 1 минг долларга етказиш белгиланган ва бу борадаги режаларимиз кўламидан далолат беради", деб таъкидлаганлари соҳа ходимлари ҳақида қайғуриш давлатимизнинг доимий эътиборида эканидан далолат беради.

Албатта, рағбат, эътибор бўлган жойда иш унумли бўлади, натижа ҳам юқори бўлади. Бу эса тиббиёт соҳасининг юқори самара билан ишлашига, унинг чинакам халқчил тизимга айланишига хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар соҳани жаҳон талаблари даражасида ривожлантириш, тиббиётга илм-фаннинг сўнгги ютуқларини жорий этиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш имкониятини яратади.

### Натижа учун масъулмиз

Ҳаммамиз ислоҳотлар тезроқ натижа беришини, самарасини кўпроқ кўришни истаймиз. Лекин шуни унутмаслик керакки, кўп соҳаларда бўлгани каби тиббиётдаги муаммолар ҳам узоқ йиллар давомида йиғилиб қолди ва уларни ҳал этиш учун, табиийки, муайян вақт талаб этилади.

Ўтган қисқа вақт давомида соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг илк натижаларидан халқимиз баҳраманд бўляпти, жойлардаги учрашувларда аҳоли вакиллари буни эътироф этмоқда. Шу билан бирга, ҳали соҳада ечимини кутаётган масалалар борлигини ҳам қайд этиш лозим.

Кейинги йилларда тиббиёт тизимига доир 200 га яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Уларда белгиланган вазифалар тўлиқ бажарилса, бу соҳа тубдан ўзгаради. Бу жараёнда мутасадди вазирлик-идоралар билан бирга, парламент, сиёсий партиялар фракциялари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари асосий масъулиятни зиммасига олиши, қонунларда, Президентимизнинг қарор ва фармонларида кўзда тутилган меъёрларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича парламент ҳамда депутатлик назоратини кучайтириши зарур бўлмоқда.

Февраль ойининг охирги ҳафтасида Халқ демократик партияси фракцияси, қуйи палатанинг Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси аъзолари халқ депутатлари Кенгашлари депутатлари билан ҳамкорликда тиббиётнинг қуйи тизимида амалга оширилаётган ишларни жойларга чиқиб бевосита ўрганди. Хусусан, фракциямиз аъзолари Президентимизнинг тегишли Фармонида белгиланган, 2021 йилда ташкил этилиши керак бўлган 100 та оилавий шифокорлик пункти, 28 та оилавий поликлиника ҳолатини 7 та мезон асосида ўрганганида, тизимда қанчалик кенг кўламда ислоҳотлар кетаётганига гувоҳ бўлдик. Ўрганишнинг натижалари бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари билан бирга дастлабки муҳокама ҳам ўтказилди. Хулоса шундай бўлдики, тиббиёт муассасалари ҳудудларда сифатли ва самарали фаолият юритиши учун депутатлик корпуси маҳаллий ҳокимликлар ва мутасадди ташкилотларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш бўйича масъулиятни зиммасига олиши зарур экан. Шунинг учун бу борада назорат-таҳлил фаолиятимизни изчил олиб боришимиз талаб этилмоқда.

Маҳаллий Кенгашларда ҳудудий тиббиёт бирлашмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб бориш масаласи қонунчилигимизда белгиланган, бу муҳим масала. Бу борадаги амалиётнинг изчил йўлга қўйилиши соҳадаги ечимини кутаётган муаммолар жойларнинг ўзида ҳал қилинишида муҳим аҳамиятга эга.

Умуман, соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар ҳаётга изчил татбиқ этилиши парламент, халқ депутатлари Кенгашлари масъулияти ошишига ҳам бевосита боғлиқ. Ҳар биримиз буни чуқур тушуниб етиб, инсон қадрини улуғлаш, унинг соғлиғини ҳимоялаш йўлидаги жараёнларда фаол иштирокчига айланишимиз зарур.

**Улуғбек ИНОЯТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзХДП фракцияси раҳбари.**

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

1 Бундан ташқари, ҳудудларда сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар тузиш, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига ҳар томонлама кўмаклашиш, сайловни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, сайлов ўтказиладиган жойларда тиббий хизмат кўрсатилишини самарали уюштириш, санитария-гигиена талаблари ва карантин қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш, шунингдек, сайлов жараёнини кенг ёритиш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

* * *

Шу куннинг ўзида Фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи республика комиссиясининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ бир қатор масалалар муҳокама қилинди.

Республика комиссияси раиси Т. Норбоева 9 минг 300 дан зиёд фуқаролар йиғинлари раислари сайланиши кутилаётганини маълум қиларкан, бу галги сайловлар юртимиз ривожланишининг бутунлай янги босқичида, жумладан, маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг устувор йўналиши этиб белгиланган тарихий паллада бўлиб ўтишини алоҳида таъкидлади.

Ўз навбатида, фуқароларнинг сайлов билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқариш учун зарур бўлган барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, сайлов жараёнига ёшлар ва хотин-қизларни кенг жалб этиш, сайлов иштирокчилари қонун талабларига, шу жумладан, ошкоралик, муқобиллик ҳамда тенг сайлов ҳуқуқи тамойилларига сўзсиз риоя қилишларини таъминлаш бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнидаги энг муҳим вазифалар ҳисобланиши қайд этилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, ошкоралик ҳар қандай сайлов адолатли ўтишининг зарур шарти ҳисобланади. Шу муносабат билан сайловни ташкил этиш ва ўтказишда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш устувор вазифа сифатида белгилаб олинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.**

Сенатор ва ҳаёт

# ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУДУДЛАРДА БОРИШИНИ ЎРГАНИШ МУНТАЗАМЛИК КАСБ ЭТДИ

*Кейинги йилларда сенаторларнинг жойларга чиқиб, аҳоли вакиллари билан учрашуви, шу асосда муаммоларни аниқлаш ва уларга масъуллар эътиборини қаратиш ҳамда ислоҳотларнинг ҳудудларда боришини назорат қилиш мунтазамлик касб этди.*

Хусусан, куни кеча Бухоро вилоятида Сенатнинг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитаси аъзолари, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги масъул ходимлари иштирокида видеоконференцалоқа шаклида семинар ўтказилди. Унда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, давлат ташкилотлари раҳбарлари ва масъул ходимлари, жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

Тадбирда ахборот эркинлиги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда аҳолининг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаш, давлат ва жамоатчилик ўртасида самарали мулоқотни йўлга қўйиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонун ва 2021 йил 16 июндаги "Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент Фармони давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Парламент юқори палатасининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Ф. Боқиев очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши зарур бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати тасдиқлангани, унга маълумотларнинг 33 хил тоифаси киритилгани ҳамда уларнинг очиқланиши жамоатчиликнинг мустақил ўрганиш олиб боришида муҳимлигини таъкидлади.

Шунингдек, семинарда ахборотлар очиқлигини таъминлашдаги мавжуд муаммо ва камчиликлар тўғрисида фикр алмашилиб, уларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

* * *

Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ҳамда Ички ишлар вазирлиги вакиллари "Хотин-қизларни эъзозлаш" ҳафталиги доирасида Тошкент вилоятининг Чиноз туманидаги Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасасида бўлди.

Сенат қўмитаси раиси М. Қодирхонова юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш, эҳтиёжманд опа-сингилларимизни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликка кенг жалб этиш ҳамда гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти бўйича атрофлича тушунтириш берди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси ИИВ ашула ва рақс ансамбли иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Якунда мазкур муассасада тарбияланаётган 150 нафар қизга бадиий китоблар ва эсдалик совғалари топширилди.

**«Халқ сўзи».**

# ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ РЕЖА ИСТИҚБОЛЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

*Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати делегацияси Сув ресурслари бўйича Осиё парламентлараро маслаҳат кенгашининг 4-мажлисида иштирок этди.*

## Мулоқот

Тадбирда кенгаш ҳамда иштирокчи давлатлар парламентлари аъзолари, илмий эксперт доиралари ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

Мажлис доирасида экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича миллий режа ва лойиҳалар, шунингдек, сув ресурсларини тежашга стратегик ёндашув, сувни тозалаш ва қайта ишлатиш истиқболлари муҳокама қилинди.

Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси Б. Алихонов ўз нутқида БМТ Бош Ассамблеясининг "Оролбўйи ҳудудини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида"ги резолюциясини амалга ошириш бўйича тизимли ва комплекс чора-тадбирларга ҳамда Оролбўйи минтақасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, экологик хавфсизликни таъминлаш, экотизимни барқарорлаштиришга қаратилган илғор инновацион лойиҳаларни рўёбга чиқариш бўйича Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ташаббуслар ва уларнинг аҳамияти хусусида атрофлича тўхталди.

Ўз навбатида, Орол денгизининг қуриши, иқлим ўзгариши, бу ҳалокат оқибатларини юмшатиш ва Оролбўйи минтақасини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар, қисқа ва ўрта муддатли истиқболда сув истеъмоли ва бошқа масалаларга ҳам урғу берилди.

Тадбирда иштирокчилар сув ресурсларидан зарарсиз фойдаланиш ва интеграциялашган ҳолда бошқариш учун саъй-ҳаракатларни бирлаштириш зарурлигини таъкидлади. Шу асосда кенгаш иштирокчи давлатларни миллий қонунчилик меъёрларини уйғунлаштиришга чақирди. Зеро, вақти келиб бу, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва сувдан оқилона фойдаланиш бўйича конструктив ва самарали ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосига айланади.

Мажлисда кенгаш томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан иштирокчи давлатлар вакилларининг маърузалари эшитилди.

Шунингдек, Осиёда сув ресурсларини бошқариш соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан таклифлар билдирилди.

**«Халқ сўзи».**

Қонун лойиҳаси — муҳокамада

# ҲУҚУҚБУЗАРЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК КУЧАЯДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.*

Таъкидланганидек, рақобатли иқтисодиёт шароитида сертификатлаш бозорни сифатли маҳсулот билан таъминлашнинг мажбурий шарти бўлиб, уларнинг сифат ва истеъмол хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини объектив баҳолаш ҳисобланади. Бунда эса маҳсулотни сертификатлаш органлари алоҳида ўрин тутади.

Аммо маҳсулотларни сертификатлаш органлари фаолиятини ўрганиш натижалари сертификатлаш қоидалари ва тартибларининг бузилиш ҳолатлари мавжудлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, 2020 йилда 21 та ҳолатда, 2021 йилда 37 та ҳолатда маҳсулотлар мувофиқлик сертификатлари ҳақиқий эмас, деб топилган. 2021 йил давомида ўтказилган ўрганишлар ва таҳлилларда бозорлар ва савдо расталарида сифати кафолатланмаган 343 турдаги озиқ-овқат, 18 турдаги электротехника, 84 турдаги қурилиш материаллари сотилаётгани аниқланган.

Ушбу ҳолатлар ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар ва ижрочилар томонидан истеъмолчилар соғлиғи ва хавфсизлиги учун жавобгарлик тўлақонли ҳис қилинмаётганидан далолат беради. Ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларини тўғри режалаштириш ўрнига, маҳсулотлар яроқлилик муддатларини қалбакилаштириш ёки уларни қўймаслик каби ноқонуний йўллардан фойдаланилмоқда.

Йиғилишда сўз олганлар таклиф этилаётган ўзгаришлар техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш ва сертификатлаш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликнинг кучайтирилишига имкон беришини таъкидлади.

Муҳокамалар давомида депутатлар томонидан қонун лойиҳасини янада мукаммаллаштириш бўйича тегишли таклиф ҳамда тавсиялар берилди ва уларнинг аксарияти ушбу ҳужжатда ўз аксини топадиган бўлди.

Айни дамда қўмитада қонун лойиҳасини такомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

**«Халқ сўзи».**

# ҲИСОБ ПАЛАТАСИ ФАОЛИЯТИ ТАНҚИДИЙ-ТАҲЛИЛИЙ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда халқ вакиллари Ҳисоб палатасининг 2021 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқди.*

Парламент назорати

Маълумки, давлат ташқи аудити ва молиявий назоратининг олий органи ҳисобланган Ҳисоб палатаси ўз ваколатлари доирасида барча давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлис палаталарига ҳисобдор ҳисобланади.

Мажлисда Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари Баҳодир Туробов ҳисобот билан сўзга чиқди.

Таъкидлаш лозимки, Ҳисоб палатасининг фаолият натижалари куни кеча Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан кўриб чиқилди.

Умумий йиғилишда Ҳисоб палатасининг 2021 йилда амалга оширган фаолияти ва унинг натижалари депутатлар томонидан батафсил муҳокама қилинди.

Депутатлар бюджет даромадлари тўлиқлигини таъминлаш, ҳудудларда маҳаллий бюджет маблағларининг самарали ишлатилишини назорат қилиш ва бу борада аниқланган тизимли хато-камчиликларни бартараф этиш юзасидан Ҳисоб палатаси томонидан олиб борилган ишларни ижобий баҳолади.

Шунингдек, Давлат бюджети параметрларининг шакллантирилиши ҳамда уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги ҳар томонлама таҳлил этилганлиги, қабул қилинган давлат ва ҳудудий дастурлар устидан аудит хулосалари ҳисоботда келтирилганлигини маъқуллашди.

Ҳисоб палатаси томонидан бюджет маблағларининг сарфланиши юзасидан 2021 йилда ўтказилган назорат тадбирлари натижасида 338 млрд. сўмлик ноқонуний харажатлар, камомад ва ўзлаштиришлар аниқланиб, уларни бюджетга қайтариш чоралари кўрилган. Шунингдек, 2,7 трлн. сўмдан ортиқ харажатлар мақбуллаштирилиб, устувор вазифаларни молиялаштириш учун қайта тақсимлаштириш имкониятлари яратилди.

Шу билан бирга, давлат харидлари жараёнида 763 та ҳолатда 971,1 млрд. сўмлик манфаатлар тўқнашувига йўл қўйиш ва бошқа қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган. Амалга оширилган тезкор ўрганиш ва таҳлиллар натижасида Давлат бюджетига 527 млрд. сўмлик қўшимча даромад манбалари аниқланиб, уларни ундириш чоралари белгиланган.

Республика бўйича 2019-2020 йиллар инвестиция дастурларига киритилган қурилиш, коммунал хўжалиги ва йўл соҳасидаги объектлар ўрганилган. Аниқланган ҳолатларга кўра ижтимоий объектлар ва йўлларнинг ўз муддатида фойдаланишга топширилмаганлиги депутатлар томонидан танқидий баҳоланди.

Умумий қиймати 50,9 трлн. сўм бўлган 17 446 та объектда қурилиш ишлари олиб борилган бўлиб, ўрганишларда қиймати (барча манбалар ҳисобидан) 5 трлн. сўмдан ошиқ бўлган 783 та объект белгиланган муддатда фойдаланишга топширилмагани маълум бўлган.

Мажлисда депутатлар Ҳисоб палатаси замонавий ахборот-коммуникация ва рақамли технологияларни ҳамда илғор назорат усулларини аудит текширувларини ўтказишда кенг қўллаётганлигини маъқуллашди.

Айниқса, бюджет ташкилотларида ўтказиладиган барча молиявий назорат тадбирларини тартибга солиш, самарадорлигини ошириш ва бу жараёнда инсон омилини камайтиришга хизмат қиладиган "Давлат аудити" дастурий комплекси яратилганлиги эътиборга молик. Янги тизим орқали бюджет ташкилотларида қайта-қайта текширишлар ўтказиш ҳолатлари ҳамда фаолиятига асоссиз аралашувлар олди олиниши, ўз навбатида, ташкилотлар ҳам ўзларида ўтказилган текширувлар юзасидан фикр билдириши, унинг якунларига баҳо бериш имкониятларининг яратилганлиги соҳани тартибга солишдаги муҳим қадам сифатида баҳоланди.



Шу билан бирга, депутатлар ҳисоботда келтирилган тизимли молиявий ҳуқуқбузарликларга, хато ва камчиликларга ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Хусусан, бюджет даромадларини кўпайтириш имкониятларини излаш, мавжуд захираларни ишга солиш, яратилган шароитлардан оқилона фойдаланиш ўрнига Давлат бюджетидан берилган маблағларнинг мақсадсиз ҳамда самарасиз сарф қилиниши ва бюджет маблағларининг ноқонуний ўзлаштирилишига йўл қўйилаётгани, марказий ҳамда маҳаллий идоралар мутасаддиларининг ушбу муҳим масалага эътиборсизлик қилаётгани ва бошқа камчиликлар депутатлар томонидан кескин танқид қилинди.

Айниқса, Сув хўжалиги ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари тизимидаги муассасаларда аниқланган молиявий қонунбузарликлар жиддий эътирозларга сабаб бўлди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида 260,4 млрд. сўмлик молиявий хато, камчилик ва ўзлаштиришлар аниқланганлиги, жумладан, тиббиёт бирлашмаларининг иш ҳақи жамғармасидан 9 та туман (шаҳар)да 16,7 млрд. сўмлик бюджет маблағлари ноқонуний ўзлаштирилганлиги таассуфланарлидир.

Муҳокамаларда депутатлар ҳисоботда келтирилган халқаро молия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларда муаммолар мавжудлигига ҳамда уларнинг келиб чиқиш сабабларига ҳам эътибор қаратди.

Депутатлар Ҳисоб палатаси томонидан 2021 йилда амалга оширилган ишлар белгиланган режа асосида ташкил қилинганлигини эътироф этиш билан биргаликда палатанинг келгусидаги иш фаолиятига оид таклиф ва тавсиялар ҳам берди.

Мажлисда билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2021 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

**«Халқ сўзи».**

# ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ МАБЛАҒЛАРИ МАҚСАДЛИ САРФЛАНИШИ ЛОЗИМ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида сиёсий партияларнинг 2021 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилди.*

## Эшитув

Бугунги кунда сиёсий партиялар фуқароларнинг устувор ҳуқуқларини амалга ошириш, хусусан, давлат бошқарувида фаол ва бевосита иштирокини таъминлашда муҳим демократик институт вазифасини бажармоқда. Мамлакатимизда ўз дастури ҳамда уставида белгиланган мақсад ва вазифаларни бажариши учун сиёсий партияларга қонунчиликка мувофиқ тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб берилган.

Кейинги йилларда барча сиёсий партиялар ўз иш фаолиятини қайта кўриб чиқиб, янада такомиллаштирди. Хусусан, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги роли сезиларли даражада ошди, уларнинг жойларда аҳолини ўйлантириб келаётган муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш борасидаги ишлари фаоллашди, электорат билан ишлаш тубдан ўзгарди.

"Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги Қонунга биноан сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари сонига қараб ўз устав фаолиятини молиялаштириш учун давлатдан маблағ олиш ҳуқуқига эга.

Қайд этилганидек, мамлакатимиз ҳаётида сиёсий партияларнинг роли тобора кучайтирилиши улар фаолиятида молиявий интизомни янада мустаҳкамлашга эътибор қаратишни талаб қилади. Бу эса сиёсий партиялар тасаррруфига Давлат бюджетидан келиб тушадиган маблағлар харажатларини тўғри режалаштириш, мақсадли сарфлашни тақозо этади.

Шунингдек, сиёсий партияларнинг ташкилий-кадрлар, моддий-молиявий ҳамда бошқа ресурслари уларнинг дастурий мақсадлари ва вазифаларини амалда рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун ушбу маблағларни сарфлаш ва уларга доир ҳисоботлар шаффоф ҳамда очиқ бўлиши лозим.

Мажлисда таъкидланганидек, бугунги кунда Ўзбекистоннинг барча сиёсий партияларида назорат-тафтиш комиссиялари ишлаб турибди, улар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлари, жумладан, уларнинг функциялари, вазифалари ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланган.

Депутатлар эшитув давомида билдирилган фикрларни инобатга олган ҳолда сиёсий партияларнинг 2021 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини маълумот учун қабул қилди.

**«Халқ сўзи».**

# САМАРҚАНДДА БАЛИҚЧИЛИК ЙЎНАЛИШИДА БУ ЙИЛ 54 ТА ЛОЙИҲА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

*Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманида 30 та балиқчилик хўжалиги мавжуд бўлиб, уларнинг умумий сунъий сув ҳавзаси 277 гектарни ташкил қилади. Ўтган йили тумандаги балиқчилик фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан 1 минг 66 тонна парҳез маҳсулот истеъмол бозорига чиқарилди.*

## Озиқ-овқат хавфсизлиги

Пахтачидаги "Балиқ Ал Саид" фермер хўжалиги кўп тармоқли бўлиб, жами ер майдони 73 гектардан иборат. Шундан 55 гектари балиқ етиштиришга мўлжалланган сув ҳавзаси ҳисобланади. Сув ҳавзаларига 78 минг дона товар балиқ, 420 минг дона сегалатка ташланган. Балиқ етиштиришга мўлжалланган сув ҳавзасининг 13 гектари яриминтенсив, 4 гектари интенсив.

— Бугунги кунда аҳоли истеъмоли учун карп, тилапия, оқ амур, оқ дўнгпешона каби ўнга яқин турда балиқларни етиштиряпмиз, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Дилшод Каримов. — 2022 йилда хўжалигимиз томонидан Қирғизистон Республикасига 20 минг АҚШ доллари миқдорида карп балиғи чавоғи, Қозоғистон Республикасига 100 минг АҚШ доллари миқдорида тилапия балиғи чавоқларини экспорт қилиш учун шартнома имзоладик.

Тумандаги "Аҳмаджон Орзу қўллари" фермер хўжалиги ҳам айни соҳага ихтисослаштирилган бўлиб, 2021 йилда бу ерда 200 тонна сифатли ва арзон балиқ маҳсулотлари етиштирилди.

— Мазкур фермер хўжалиги раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Низомига асосан субсидия ажратишни сўраб, ариза билан мурожаат қилган эди, — дейди "Ўзагроинспекция"нинг Пахтачи тумани бўлими бошлиғи Ғулом Қурбонов. — Инспекция органлари ваколати доирасида фермер хўжалиги раҳбарининг аризаси ўз вақтида қаноатлантирилди ва 140 миллион сўм субсидия ажратилиши таъминланди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Айтмоқчимизки, даромад манбаи бўлган балиқчиликни ривожлантириш учун барча зарур чора-тадбирлар амалий ижросини топаётгани боис соҳада силжиш кузатиляпти.

Маълумот учун: бугунги кунда Самарқанд вилоятида балиқчилик йўналишидаги 517 та хўжалик мавжуд бўлиб, ўтган йили улар томонидан 21 минг 788 тонна балиқ овланди. Жорий йилда эса балиқчилик тармоғи ривожини янада жадаллаштириш мақсадида 54 та янги лойиҳа ишга туширилади ва 300 га яқин иш ўринлари яратилади.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»)**

# ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН МУҲИМ ТАШАББУСЛАР

*Инсон қадрини юксалтириш, бу — кенг қамровли тушунча бўлиб, у барча йўналишда турлича талқин ва ёндашувлар асосида амалга оширилади. Тараққиёт стратегиясида эса бу вазифа, энг аввало, қуйи бўғин ҳисобланган маҳаллалардан бошлаб, жамоатчилик, давлат органлари ва парламент миқёсида бажарилиши белгиланмоқда.*

## Мушоҳада

Давлат раҳбарининг аҳоли орасидаги муаммо ва масалаларни маҳалладан туриб ҳал этиш бўйича ташаббуси, давлат органлари ва ташкилотларининг мурожаатлар билан ишлашдаги масъулиятини янада оширади. Маҳалладан туриб барча давлат идораларига мурожаат қилиш тизимини яратиш, давлат ва ижтимоий хизматларни бевосита маҳаллада кўрсатиш имкониятини жорий этиш орқали масалани қуйи бўғиннинг ўзида ҳал қилишга эришиш мумкин. Бу тизим самарали ишлаши учун эса мурожаатларни кўриб чиқишга оид рейтинг тизими электрон тарзда республика бўйлаб жорий этилиши мақсадга мувофиқ. Бу баъзи давлат органлари ва идоралардаги мурожаатлар билан ишлайдиган масъул ходимлар томонидан мурожаатчиларга юзаки ёки тўлиқ асослантирилмаган жавоб хатларини юбориш ҳолатларини камайтиради.

Қувонарли томони, айни жиҳат, Тараққиёт стратегиясининг "Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш" дея номланган биринчи устувор йўналишида белгиланган мақсадларда акс эттирилган. Унда давлат органларига келиб тушган мурожаатларни жамловчи марказлашган тизимни яратган ҳолда уларни кўриб чиқиш муддати ва сифати устидан рақамли назорат ўрнатиш, аҳолининг кундалик турмуш тарзига бевосита таъсир қилувчи масалалар бўйича мурожаатлар тезкор ва сифатли кўриб чиқилишини таъминлаш масаласи назарда тутилган.

Қайд этиш лозимки, инсон ҳуқуқлари қонун устувор бўлган давлатдагина тўлиқ таъминланиши мумкин. Ҳозирда дунё мамлакатлари халқаро стандартлар ва мезонлар асосида инсон ҳуқуқларининг таъминланиш ҳолатини кузатиб боришмоқда ва ўзларида мавжуд муаммоларни бартараф этиш устида ишлашмоқда. Ўзбекистон ҳам ушбу йўлда такомиллашиб бормоқда.

Тараққиёт стратегиясида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг қатор таклифлари ҳам инобатга олинган. Хусусан, стратегиянинг "Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш" йўналишининг 14-мақсадида маҳкумларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясига оид нормалар киритилиши белгиланди. Шу билан бирга, озодликдан маҳрум этилган шахсларга жазони ўташ шароитларини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш, меҳнатга жалб қилинган маҳкумларга колониялардаги иш стажини умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисоблаш тартибини жорий этиш каби вазифалар белгиланди.

Бу маҳкумларнинг ижтимоий ҳимояси ва меҳнат ҳуқуқларининг таъминланиши ҳамда қийноқларнинг олдини олишдаги муҳим қадамлардан саналади.

Албатта, ушбу вазифаларнинг амалда ижро этилиши бўйича Омбудсман миллий превентив механизм доирасида ёпиқ муассасаларга амалга ошириладиган мониторинг ташрифларида ўрганишлар олиб боради.

Қайд этиш лозимки, 2019 йилда Омбудсман ҳузурида ташкил қилинган Қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизм доирасида шу кунга қадар ҳаракатланиш эркинлиги чекланган ёпиқ муассасаларга жамоатчилик вакиллари билан биргаликда 350 га яқин мониторинг ташрифлари амалга оширилди. Мониторингларда муассасаларда сақланаётган шахсларнинг яшаш шароитлари, озиқ-овқат билан таъминланиши, керакли тиббий хизмат кўрсатилиши, руҳий ёки жисмоний босимларнинг мавжуд ва мавжуд эмаслиги ўрганилмоқда. Ушбу мониторингларда аниқланган камчиликлар бўйича масъул ташкилотларга бартараф этиш ва чоралар кўриш юзасидан тавсиялар берилмоқда. Қувонарлиси, ушбу тавсиялар инобатга олинмоқда ва сўнгги йилларда пенитенциар муассасалардаги шароитлар халқаро стандартлар даражасига етказилмоқда.

Тараққиёт стратегиясидаги яна бир муҳим вазифалардан бири — озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ўтаб бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш бўйича "дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети"ни жорий қилиш орқали уларнинг ижтимоий мослашуви механизмларини такомиллаштиришдир.

Алоҳида қайд этиш лозимки, Ҳаракатлар стратегияси доирасида ҳам жазони ўтаб бўлган фуқароларнинг жамиятга мослашиши борасида қатор самарали ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2019 йилда Пробация хизмати жорий этилиб, уларнинг асосий вазифаси сифатида жиноят кўчасига кириб қолган шахсни тарбиялаш, уни жамиятга, ижтимоий ҳаётга мослаштириш белгиланди. Бу борада тегишли вазирлик, давлат идораси ва ташкилотлари ҳам фаол ишлади. Лекин шунга қарамасдан, амалиётда аввал судланган шахсларни иш билан таъминлаш масаласида айрим муаммолар мавжуд. Мисол учун, аввал судланган шахсларни ишга олиш айрим иш берувчиларни чўчитиши учраб туради. Натижада эса уларнинг жамиятга мослашуви ва моддий таъминот масаласида камчиликлар юзага келади. "Дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети"ни бериш тизимини жорий этиш эса шу каби масалаларнинг ижобий ҳал қилинишига ёрдам беради.

Маълумки, Ўзбекистон қийноқ ҳолатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ўзининг қатъий позициясини белгилаб олган. Албатта, бу борадаги ишлар кейинги беш йилликда Тараққиёт стратегияси доирасида янги босқичга олиб чиқилади. Сабаби, унда миллий превентив механизмларни такомиллаштириш ва ушбу йўналишда қонунчилик асосларини такомиллаштириш назарда тутиляпти.

Шундан келиб чиқиб, келгусида Омбудсман қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизм доирасида ҳаракатланиш эркинлиги чекланган ёпиқ муассасаларга ташкил этилаётган мониторинг ташрифлари орқали у ердаги шароитларни халқаро стандартларга мослаштиришга эътиборни янада кучайтиради. Қолаверса, қийноққа учраган шахсларга амалий кўмак кўрсатиш, қийноққа солишдан жабрланганларга етказилган зарарнинг компенсация қилинишини таъминлаш ҳамда унинг тартибини ишлаб чиқиш борасида жадал ишлар олиб борилади. Бу жуда муҳим. Зеро, ҳар қандай жабрланувчи қийноқ ёки шафқатсиз муомала учун тезкор, адолатли ва тенг компенсация олиш ҳуқуқига эга.

**Феруза ЭШМАТОВА,**
**Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман).**

ЭЪЛОНЛАР

# ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

*Тошкент давлат шарқшунослик университети хорижий Шарқ ва Ғарб мамлакатлари тиллари, адабиёти, тарихи, маданияти, халқаро муносабатлари, шунингдек, хорижий Шарқ минтақаси мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлари ривожланишини ўргатувчи Марказий Осиёдаги энг йирик ва нуфузли олий ўқув юрти ҳисобланади. Бугунги кунда университетда 7 та бакалавриат йўналиши ҳамда 14 та магистратура мутахассислиги бўйича таълим олиб борилади. Қуйида 2021/2022 ўқув йилида университетни мавжуд таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича давлат гранти ҳамда тўлов шартнома асосида битираётган талабалар ҳақидаги маълумотлар вилоятлар кесимида берилган. ТДШУ раҳбарияти республикамиздаги давлат муассасалари, корхона ва ташкилотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан мавжуд вакант иш ўринлари ҳақида маълумот беришларини сўрайди.*

**2021/2022 ўқув йилида Тошкент давлат шарқшунослик университетини тугатаётган битирувчилар тўғрисида МАЪЛУМОТ**

| № | Шифр | Таълим йўналишлари ва мутахассисликлари номи | Битирувчилар сони | | | Қорақалпоғистон Республикаси | | | Андижон вилояти | | | Бухоро вилояти | | | Жиззах вилояти | | | Навоий вилояти | | | Наманган вилояти | | | Самарқанд вилояти | | | Сирдарё вилояти | | | Сурхондарё вилояти | | | Тошкент вилояти | | | Фарғона вилояти | | | Хоразм вилояти | | | Қашқадарё вилояти | | | Тошкент шаҳри | | | Бошқа давлатлар | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Жами | грант | шартнома | Жами | грант | шартнома | Жами | грант | шартнома | Жами | грант | шартнома | Жами | грант | шартнома | Жами | грант | шартнома | Жами | грант | шартнома | Жами | грант | шартнома | Жами | грант | шартнома | Жами | грант | шартнома | Жами | грант | шартнома | Жами | грант | шартнома | Жами | грант | шартнома | Жами | грант | шартнома | Жами | грант | шартнома | Жами | шартнома |
| | | **Бакалавриат** | **647** | **151** | **496** | **9** | **2** | **7** | **20** | **6** | **14** | **44** | **16** | **28** | **20** | **5** | **15** | **31** | **8** | **23** | **24** | **7** | **17** | **27** | **2** | **25** | **15** | **2** | **13** | **32** | **4** | **28** | **81** | **18** | **63** | **32** | **4** | **28** | **19** | **3** | **16** | **52** | **12** | **40** | **239** | **62** | **177** | **2** | **2** |
| 1 | 5120100 | Филология ва тилларни ўқитиш: (араб, форс, турк, дарий, пушту, хитой, корейс, япон, индонейз, малай, вьетнам) | 361 | 85 | 276 | 3 | | 3 | 9 | 3 | 6 | 19 | 7 | 12 | 11 | 1 | 10 | 12 | 2 | 10 | 16 | 4 | 12 | 14 | 2 | 12 | 7 | | 7 | 14 | 1 | 13 | 50 | 15 | 35 | 10 | 1 | 9 | 14 | 2 | 12 | 20 | 5 | 15 | 161 | 42 | 119 | 1 | 1 |
| 2 | 5120111 | Филология ва тилларни ўқитиш: Шарқ мумтоз тиллари | 19 | 4 | 15 | | | | | | | 3 | | 3 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 6 | 1 | 5 | | | | 1 | | 1 | 3 | 1 | 2 | 6 | 2 | 4 | | |
| 3 | 5120200 | Таржима назарияси ва амалиёти (Шарқ тиллари бўйича) | 24 | 5 | 19 | | | | | | | 3 | 1 | 2 | 1 | | 1 | | | | 2 | 1 | 1 | | | | 1 | | 1 | 1 | | 1 | 4 | | 4 | 2 | | 2 | | | | 3 | | 3 | 7 | 3 | 4 | | |
| 4 | 5120300 | Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) | 93 | 27 | 66 | 5 | 2 | 3 | 3 | 2 | 1 | 7 | 2 | 5 | 4 | 3 | 1 | 8 | 2 | 6 | 4 | 1 | 3 | 5 | | 5 | 1 | | 1 | 7 | 2 | 5 | 5 | 2 | 3 | 12 | 1 | 11 | 1 | | 1 | 13 | 3 | 10 | 18 | 7 | 11 | | |
| 5 | 5120800 | Шарқ фалсафаси ва маданияти | 24 | 10 | 14 | | | | | | | 5 | 5 | | 2 | 1 | 1 | 2 | | 2 | | | | 6 | | 6 | 1 | 1 | | 1 | 1 | | | | | 1 | 1 | | | | | 5 | 1 | 4 | 1 | | 1 | | |
| 6 | 5120700 | Жаҳон сиёсати (минтақалар бўйича) | 58 | 10 | 48 | 1 | | 1 | 6 | 1 | 5 | 2 | | 2 | 1 | | 1 | 3 | 2 | 1 | 1 | 1 | | 2 | | 2 | 5 | 1 | 4 | 5 | | 5 | 9 | | 9 | 3 | | 3 | | | | 6 | 2 | 4 | 13 | 3 | 10 | 1 | 1 |
| 7 | 5231000 | Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) | 68 | 10 | 58 | | | | 2 | | 2 | 5 | 1 | 4 | 1 | | 1 | 6 | 2 | 4 | 1 | | 1 | | | | | | | 4 | | 4 | 7 | | 7 | 4 | 1 | 3 | 3 | 1 | 2 | 2 | | 2 | 33 | 5 | 28 | | |
| | | **Магистратура** | **263** | **31** | **232** | **3** | | **3** | **5** | | **5** | **10** | | **10** | **8** | **1** | **7** | **7** | **1** | **6** | **16** | **3** | **13** | **6** | **1** | **5** | **6** | **1** | **5** | **21** | **4** | **17** | **19** | **6** | **13** | **16** | **1** | **15** | **8** | | **8** | **15** | **2** | **13** | **123** | **11** | **112** | | |
| 1 | 5A120101 | Адабиётшунослик (Шарқ тиллари) | 13 | 3 | 10 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 13 | 3 | 10 | | |
| 2 | 5120102 | Лингвистика (Шарқ тиллари) | 55 | 9 | 46 | | | | 1 | | 1 | 2 | | 2 | 2 | 1 | 1 | | | | 4 | 1 | 3 | 1 | | 1 | | | | 4 | | 4 | 7 | 4 | 3 | 3 | | 3 | | | | 1 | | 1 | 30 | 3 | 27 | | |
| 3 | 5A120103 | Мумтоз филология (турлари бўйича) | 4 | 1 | 3 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | 1 | 2 | 1 | 1 | | |
| 4 | 5A120201 | Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик (Шарқ тиллари) | 16 | 2 | 14 | | | | | | | 1 | | 1 | | | | | | | 1 | | 1 | | | | 1 | | 1 | 2 | | 2 | 2 | 1 | 1 | 1 | | 1 | | | | | | | 8 | 1 | 7 | | |
| 5 | 5A120202 | Синхрон таржима (Шарқ тиллари) | 13 | 2 | 11 | | | | 1 | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | 1 | 1 | | 1 | 2 | 1 | 1 | | | | | | | 8 | 1 | 7 | | |
| 6 | 5A120302 | Тарих (йўналишлар ва фаолият турлари бўйича) | 28 | 2 | 26 | | | | 2 | | 2 | 1 | | 1 | 1 | | 1 | 2 | | 2 | 2 | | 2 | 2 | | 2 | 1 | | 1 | 2 | | 2 | 4 | 1 | 3 | 1 | | 1 | | | | 2 | | 2 | 8 | 1 | 7 | | |
| 7 | 5A120304 | Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари (мамлакатлар бўйича) | 11 | 3 | 8 | | | | | | | 1 | | 1 | 1 | | 1 | 1 | 1 | | 1 | | 1 | 1 | 1 | | 1 | 1 | | 1 | | 1 | 1 | | 1 | 1 | | 1 | 1 | | 1 | 1 | | 1 | | | | | |
| 8 | 5A120502 | Шарқ фалсафаси ва маданияти | 13 | 2 | 11 | | | | | | | 2 | | 2 | 1 | | 1 | 1 | | 1 | 1 | | 1 | | | | 1 | | 1 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | 2 | 1 | 1 | 4 | | 4 | | |
| 9 | 5A120701 | Матншунослик ва адабий манбашунослик | 6 | 1 | 5 | | | | | | | | | | | | | | | | 2 | | 2 | | | | | | | 1 | 1 | | | | | 1 | | 1 | | | | | | | 2 | | 2 | | |
| 10 | 5A121102 | Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати | 35 | 2 | 33 | 3 | | 3 | | | | 1 | | 1 | 3 | | 3 | 2 | | 2 | 1 | 1 | | 1 | | 1 | 1 | | 1 | 3 | 1 | 2 | | | | 3 | | 3 | 2 | | 2 | 1 | | 1 | 14 | | 14 | | |
| 11 | 5A121401 | Этнография, этнология ва антропология | 5 | 1 | 4 | | | | 1 | | 1 | | | | | | | | | | 1 | | 1 | | | | | | | 2 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | 1 | | 1 | | |
| 12 | 5A231001 | Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар бўйича) | 25 | 1 | 24 | | | | | | | 1 | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | 2 | | 2 | | | | 2 | | 2 | 2 | | 2 | 4 | | 4 | 14 | 1 | 13 | | |
| 13 | 5A231002 | Ташқи иқтисодий фаолият (соҳалар ва фаолият турлари бўйича) | 26 | 1 | 25 | | | | | | | | | | | | | 1 | | 1 | 1 | | 1 | | | | 1 | | 1 | 1 | | 1 | 3 | | 3 | 1 | | 1 | 2 | | 2 | 2 | 1 | 1 | 14 | | 14 | | |
| 14 | 5A610301 | Туризм | 13 | 1 | 12 | | | | | | | 1 | | 1 | | | | | | | 2 | 1 | 1 | | | | | | | 1 | | 1 | 1 | | 1 | 1 | | 1 | 1 | | 1 | 1 | | 1 | 5 | | 5 | | |

**Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 20. Тел: (998-71) 2321698, (998-99) 0229158.**

## «New Life sug'urta kompaniyasi» aksiyadorlik jamiyati акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида ХАБАРНОМА

**Ҳурматли акциядорлар!**

"New Life sug'urta kompaniyasi" AJ Кузатув кенгашининг 2022 йил 15 мартдаги қарорига асосан, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2022 йил 8 апрель куни Тошкент шаҳар, Амир Темур шоҳкўчаси, 47-уйда жойлашган акциядорлик жамияти биносида ўтказилади.

Йиғилиш соат 17:00 да бошланади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 16:00 дан 16:50 гача амалга оширилади. Умумий йиғилиш ўтказиш учун жамият акциядорлари реестри **2022 йил 4 апрель** ҳолатига тузилади.

**Кун тартиби:**

**1.** Саноқ комиссияси аъзолари таркибини тасдиқлаш;

**2.** Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;

**3.** Жамиятнинг ички низомларини тасдиқлаш.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ва овоз бериш учун акциядорларда шахсни тасдиқловчи ҳужжат, акциядорлар вакилларида эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

**Акциядорлар умумий йиғилишда кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан Тошкент шаҳар, Амир Темур шоҳкўчаси, 47-уйда жойлашган "New Life sug'urta kompaniyasi" AJнинг биносида ушбу эълон берилган кундан бошлаб йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар соат 10:00 дан 17:00 гача танишишлари мумкин.**

**Электрон почта манзили: info@nli.uz**
**Телефон: 71-203-99-77.**

*Кузатув кенгаши.*

Дунё нигоҳи



# Наврўз — қадриятлар тантанаси

*Дунёдаги барча халқ ва элатларда она замин мавсумлари кутиб олинишининг ўзгача таомиллари бор. Жумладан, яшариш ва янгиланиш айёми — Наврўз, асосан, Шарқ халқларида катта тантаналар билан нишонланади. Шарқона янги йилнинг ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига киритилгани ҳам шундан.*

*Қуйида қардош халқлар вакилларидан Наврўзнинг аҳамияти, нишонланиши ҳақида фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик.*

**Оқил ЖАМОЛ,**
**“Туркистон” газетаси бош муҳаррири (Озарбайжон):**



— Наврўз байрами арафасида инсоннинг кўнглида бахт дунёга келади, шодлик инсонларнинг таомига, шукроналик эса яқин қадрдонига айланади. Балки шунинг учун ҳам бу кунни барчамиз ўзгача интиқлик билан кутармиз?..

Умуман, Наврўзни турли давлатларда турлича кутиб олишади ва ўтказишади.

Озарбайжонда Наврўзга тайёргарлик ишлари бир ой олдин бошланади. Мамлакатда уч кун расмий байрам эълон қилиниб, дам олиш берилади. Байрамда гулхан ёқиб, унинг устидан етти марта сакраб ўтиш анъанаси мавжуд. Одамлар, агар имкони бўлса, сув ҳавзасига боради, юз-қўлларини ювиб, бир-бирларига сув сепади. Сабаби, сув покланиш рамзи саналади. Бу билан улар бир-бирларига фаровон ва бахтли Янги йил тилайди.

Сўнгра анъанага кўра, улар бир-бирларига ширинлик улашади. Шу куни эрталабдан ширинлик тановул қилиш, сўнгра хуш ифорлардан ҳидлаш керак. Бу руҳан тозарганликни билдиради.

Ўзбекистонда Наврўз қандай бўлиши ҳақида фақат эшитганларимдан биламан, холос, бироқ ҳали иштирок этиш бахтига муяссар бўлганим йўқ. Эшитишимча, Наврўз кунида турли-туман халқ ўйинлари, баҳор қўшиқлари ижро этилади. Кўпкари-улоқ, кураш ўйинлари, ҳайвон ва паррандалар, хусусан, хўроз, қўчқор уриштириш, аскиябозлик, дор ўйинлари, турли хил халқ томошалари ўтказилар экан. Ўзбекистоннинг Наврўзида, ўзига хос ва гўзал кунида иштирок этишни дилимга тугиб қўйганман. Шу баҳона кўпкарида қатнашишни, ўзбек қардошларимиз билан куч синашишни кўпдан бери ўйлаб юраман.

Наврўзингиз муборак бўлсин, азиз қардошлар!

**Фарҳод АБДУВАЛИЗОДА,**
**журналист (Тожикистон):**

— Фасллар ичида энг фусункори баҳор ҳисобланса, байрамлар ичида энг бетакрори Наврўздир. Бу қутлуғ кунларда нафақат она табиат, балки ҳар бир инсоннинг руҳи ва кўнгли ҳам тозаради. Фасллар маликаси аталмиш баҳорнинг бу тантанасини хуш кўрмайдиган, унга ўзгача назар билан боқмайдиган, шунингдек, замин бағрини ёриб чиқаётган майсаларга, турфа гулларга қараб завқ олмайдиган, яшариш, янгиланиш ҳақида ўйламайдиган инсон топилмаса керак.

21 март — кеча ва кундуз тенглашган кун, Янги йил, яъни Наврўз байрами сифатида Шарқ халқлари томонидан кенг нишонланади. У деҳқон учун экин-тикин ишларининг бошланиш палласи ҳисобланади. Ота-боболаримиз, момоларимиз бу байрамни нишонлаб, турли-туман, ранг-баранг удум ва маросимлар ўтказганлар.

Тожикистонда меҳмонларни “Наврўз муборак бод!”, “Наврўзатон пируз бод!”, яъни “Наврўз байрами муборак!” дея қарши олишади. Байрамнинг ўзига хос урфларидан бири, ушбу кунда дастурхонга номи “с” билан бошланувчи еттита егулик қўйилиши шарт.



Ўзбекистоннинг Наврўзи ўзига хос, айни шу кунлар арафасида мен татиб кўришни истаб юрган тансиқ таомлар — сумалак ва ҳалим пиширилар экан. Бу таомларнинг таърифу тавсифини Ўзбекистонга сафар қилиб турадиган дўстларимдан кўп эшитганман. Насиб этса, албатта, шу йил Наврўзда юртингизда айнан байрам арафасида меҳмон бўлиш ниятидаман.

**Ўрозмурод МУРОДОВ,**
**“Несил” газетаси бўлим мудири, шоир ва таржимон (Туркманистон):**



— Туркманларда мавжуд урф-одатларга кўра, агар Наврўз куни ёмғир ёки қор ёғса, демакки йил ҳам серҳосил бўлади. Бизда агар Наврўз куни совуқ келса, буғдой мўл бўлишига ишонишади. Ёшларимиз ушбу айёмни очиқ ҳавода кимўзар ўйинлар билан нишонлайди. От чоптириш ўйинларининг биринчи мавсуми Наврўз байрами нишонланадиган кунларга белгиланади, бўрибосарлар ўртасида жанглар ҳам айнан шу кунларда бўлиб ўтади. Шунингдек, янги анъана жорий этилган, эндиликда Туркманистонда Наврўз байрами нишонланадиган кунда Аёл, Она куни нишонланади. Бу эса аёлнинг жамият ҳаётида тан олинганлигидан дарак беради.

Дарҳақиқат, Наврўз — меҳр-оқибат, инсонпарварлик, дўстлик, биродарлик байрамидир. Ушбу кунни шунинг учун нафақат Шарқ халқлари, балки миллати, дини, эътиқодидан қатъи назар, барча халқлар байрам қилади.

Ўзбекистонга сафарларимдан бири Наврўз кунига тўғри келган. Бошқа тадбирлар юзасидан мамлакатингизда бўлган бўлсам-да, асосий вақтимиз халқ уюштирган ўзига хос сайлларда кечган. Билолмадим, бу байрам туфайлими ёхуд ўзбек қардошларимизнинг феълига хосми, уларнинг юзидан сира табассум аримас экан. Таъкидлашим жоизки, уларнинг шодлигини кўриб, менинг ҳам севинчимга севинч қўшилди, беихтиёр юзимда табассум пайдо бўлди.

Ниятим — Наврўз ҳар йили барчамизга бахт олиб келсин!

**Раҳматжон БОБОЖОНОВ**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

ЭЪЛОН

## «ТРАСТБАНК» ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

TRASTBANK

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки 2008 — 2019 йил якунлари бўйича банк акциядорларининг навбатдаги ва навбатдан ташқари умумий йиғилишлари баённома қарорларига кўра, банкнинг оддий ва имтиёзли акцияларига ҳисобланган дивидендларни ўз вақтида олмаган акциядорлардан дивидендларни олиш учун зарур бўлган ҳужжатларни (**жисмоний шахслар учун** — паспорт, СТИР нусхаси, банкда ҳисобварақ очилганлиги тўғрисида тасдиқнома нусхаси, инвестиция воситачиси (депозитарий) томонидан берилган ДЕПО ҳисобварағидан кўчирма, **юридик шахслар учун** — жамият устави нусхаси, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси (лицензия), инвестиция воситачиси (депозитарий) томонидан берилган ДЕПО ҳисобварағидан кўчирма) тақдим қилган ҳолда, банкнинг бош офисига ёки ҳудудий филиалларига мурожаат этишингизни сўрайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 6-боб 51-моддасига асосан: **“Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига биноан жамият ихтиёрида қолади”**.

**Қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга “Трастбанк” ХАБ бош офисига мурожаат этишингизни сўраймиз:**
**100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 7-уй, тел: 78-140-00-88.**
**Банкнинг электрон почта манзили: info@trustbank.uz**
**Банкнинг расмий веб-сайти: www.trustbank.uz**

Реклама ҳуқуқи асосида







Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 348. 30 067 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.41 Топширилди — 01.20 1 2 3 4 5 6